# Кучч — адолатда

2013 йил
12 июл,
жума
№ 28 (437)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!








**Барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик тўйини нишонлашимизга ҳам оз фурсат қолди. Бугун ушбу қутлуғ байрамни муносиб кутиб олиш мақсадида юртимизнинг энг чекка туманларидан тортиб, шаҳару вилоятларда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорини ўқир эканман, қуйидаги фикрларнинг аҳамияти нақадар юксаклигини яна бир марта ҳис қилдим.**

## ЮКСАК БИЛИМ ВА САЛОҲИЯТГА ЭГА ЁШЛАР

### юртимиз довруғини дунёга таратмоқда

"Бунда, аввало, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган, бетакрор миллий қадриятларимиз, бебаҳо маданий меросимизнинг муносиб ворислари бўлиш билан бирга, дунё илму фани ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга, манаман деган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллашувга тайёр бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи истиқлол йилларида Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани" бугун амалда ўзининг аниқ самараларини бераётгани ҳар биримизни чексиз қувонтириш билан бирга келажакка бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — ўзбек моделининг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганини, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ўзини ҳар томонлама оқлагани ва кутилган самараларни бераётганини бугун дунё жамоатчилиги эътироф этмоқда. Жумладан, Нью-Йорк университети профессори Морвидж "Ҳозир дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодий муаммоларга дуч келаётган бир пайтда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодий ўсиш ва тараққиёт моделига айланди. Мен Ўзбекистон тажрибасини дипломатик йўллар орқали дунёнинг бошқа мамлакатларига тарқатишни тавсия қиламан" дея таъкидласа, англиялик тарихчи олим Майкл Риммер Ўзбекистон раҳбарияти ёш авлоднинг баркамол ривожланиши, ўз иқтидор ва қобилиятларини намоён этиши учун барча шарт-шароитни яратганига шахсан ўзи гувоҳ бўлганини қайд этаркан, "Шунинг учун ҳам ёш спортчилар, мусиқачилар, санъаткорлар, рассомлар ва хонандалар нуфузли халқаро танлов ва мусобақаларда юқори ўринларни қўлга киритишмоқда", дея эътироф этади.

Ҳақиқатан ҳам, бир пайтлар, аниқроғи, шўро тузуми даврида қурилиш ишларидан бошқасига ярамайди, деб ноҳақ камситилган фарзандларимиз бугун ўзларининг истеъдоди, ақл-заковати ва салоҳияти билан дунё аҳлини лол қолдирмоқда. Биргина мисол. Шу йилнинг апрель ойида дунёнинг 17 давлатидан 117 нафар иштирокчи қатнашган 47-халқаро Менделеев номидаги олимпиадада фарзандларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, улар ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган ва бўлмаслигини дунёга тўлиқ илмий асосда намоён қилишга муваффақ бўлишди.

Бундан ташқари ёшларимизнинг спорт бўйича дунё миқёсида қўлга киритаётган юксак натижалари ҳақида ҳар қанча ғурурланиб гапирсак, оз. Хусусан, уларнинг халқаро, қитъа ва минтақа миқёсидаги мусобақаларда қўлга киритган ғалабалари болалар спортини ривожлантириш борасида эришган ютуқларимизнинг яққол тасдиғи бўлмоқда.

Президентимизнинг жорий йилнинг 16 мартидаги Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, 2005—2012 йиллар мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан қарийб 4 минг нафар бола 333 та халқаро спорт тадбирида, турли фестиваль ва ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этганини айтиб ўтиш ўринлидир. Ана шу мусобақаларда қатнашганларнинг асосий қисми — қарийб 2400 нафари қишлоқ жойларда яшаётган ўғил-қизларимиздир.

Биз барпо этган спорт объектларида спортчи сифатида шаклланиб, камолга етган бу ёшлар дунёнинг 34 тадан ортиқ мамлакатида бўлиб, спортнинг 30 тури бўйича Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилгани ҳақида ҳар қанча ғурурланиб гапирсак арзийди, албатта.

Ана шундай ёш спортчиларимиз ўтган даврда ўз маҳорати, азму шижоатини намоён этиб, 922 та медални, жумладан, 363 та олтин, 282 та кумуш ва 277 та бронза медални қўлга киритгани алоҳида таҳсинга сазовордир. Биргина 2012 йилнинг ўзида спортчи йигит-қизларимиз 204 та медаль соҳиби бўлдилар. Уларнинг 81 таси олтин, 61 таси кумуш ва 62 таси бронза медалидир.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ*

## ҚАРОРИ

2013 йил 31 май | № 08 | Тошкент шаҳри

### Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида

**Солиққа оид қонунчилик такомиллаштирилганлиги, шунингдек, суд амалиётида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка доир қонунчиликни қўллашда масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунда белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддаси).

Қонунда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг ижтимоий хавфлилиги солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлашга оид мажбуриятни қасддан бажармасликдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига пул маблағлари тушмай қолишига олиб келади.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Qonun ijodkorligi*

## Фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш

### бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда

**Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан эмин-эркин шуғулланиши, бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Энг муҳими, қисқа фурсатда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани соҳа ривожига кенг йўл очди. Айниқса, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши натижасида фермер хўжаликлари фаолиятига тааллуқли масалалар ўзининг тўлиқ ҳуқуқий ечимини топди.**

Айтиш керакки, мамлакатимизда аграр соҳада изчиллик билан олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ иқтисодий жиҳатдан бақувват фермер хўжаликлари сони кундан кунга ортиб бормоқда.

Албатта, бу борада фермер хўжаликларининг янада самарали фаолият олиб бориши ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишига хизмат қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни изчиллик билан такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "**Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**"ги Фармонида белгиланган муҳим вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган "**Фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштирилиши ва уни ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**"ги қонун лойиҳаси ҳам моҳият-эътибори билан айнан фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришга қаратилган.

**(Давоми учинчи бетда)**

**Қозон шаҳрида давом этаётган XXVII Жаҳон универсиадасида бокс, белбоғликураш, дзюдо ваоғир атлетика бўйича бир олтин, етти кумуш, саккиз бронза, жами 16 медаль жамғарган Ўзбекистон спортчилари 170 га яқин давлат вакиллари орасида медаллар сони бўйича олтинчи ўринда бормоқда.**

*Xuchxabar*

## Ҳасанбой Дўсматов — Жаҳон универсиадаси чемпиони

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигид ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароитни яратишга қаратилаётган доимий эътибор самарасида халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган чемпионларнинг янги авлоди етишиб чиқмоқда. Ана шундай иқтидорли ёш спортчилардан таркиб топган Ўзбекистон спорт делегацияси вакиллари Қозон шаҳри мезбонлик қилаётган Жаҳон универсиадасида ҳам юқори натижаларни кўрсатмоқда.

"Жаҳон универсиадаси — 2013" мусобақаларида Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига дастлабки олтин медални иқтидорли ёш боксчи Ҳасанбой Дўсматов келтирди.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Burch va mas`uliyat*

## Зиммадаги мажбурият

### уни ўз вақтида бажармаслик жавобгарликка сабаб бўлади



Мамлакатимизда ягона солиқ сиёсатини амалга ошириш, солиқ юкини камайтириш ҳамда бу борадаги имтиёзлар ва афзалликларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пировардида ҳар бир солиқ тўловчи солиққа оид имтиёз ва афзалликлардан унумли фойдаланиб, ўзининг имкониятига мутаносиб равишда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга оширмоқда.

Айтиш жоизки, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддасида маъмурий ва Жиноят кодексининг 184-моддасида жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юридик ёки жисмоний шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этгани учун маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортишда солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпциясига риоя этилади. Аниқроқ айтганда, агар бир турдаги солиқлар учун тўланган пул суммаси бошқа турдаги мажбурий тўловлар учун қасддан тўланмаган суммалар ўрнини тўлиқ қопласа, солиқ тўловчи жавобгарликка тортилмайди. Бинобарин, солиққа оид ҳуқуқбузарлик табиий офат ёки бошқа фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида ёхуд шахс ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган касаллик ҳолатида содир этилган бўлса, солиқ тўловчи жавобгарликдан озод этилади.

**(Давоми учинчи бетда)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

ҚАРОРИ

# Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

2. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда — МЖтК) 174-моддасининг биринчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (бундан буён матнда — ЖК) 184- моддасининг биринчи қисми диспозициясига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш деганда, фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бошқа тарзда қасддан бўйин товлаш тушунилиши лозим.

Фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш — бу давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган тегишли солиқ ҳисоботи ҳужжатларида фойда (даромад) олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан кўрсатмаслик, шунингдек, улар мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни яшириш мақсадида фойда (даромад) келиб тушишини ҳисобга олиш тартибини бузиш.

Фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни камайтириб кўрсатиш давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган солиқ ҳисоботи ҳужжатларида солиқ солинадиган объект миқдорига оид ахборотни била туриб пасайтириш (камайтириш) томонига ўзгартиришда ифодаланади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бошқа тарзда қасддан бўйин товлаш солиқ тўловчининг давлат солиқ хизмати органларига солиқ ҳисоботи ҳужжатларини ёки солиқ қонунчилигига мувофиқ тақдим этилиши шарт бўлган бошқа ҳужжатларни қасддан тақдим этмасликдан иборат ҳар қандай бошқа қилмишларида ифодаланади, мазкур ҳаракатни инсон эркига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар таъсирида бажармаслик ҳоллари бундан мустасно.

3. МЖтК 174-моддасининг биринчи қисми, ЖК 184-моддасининг биринчи қисми диспозицияси бланкет (ҳаволаки) бўлиб, шу сабабли "даромадлар", "фойда", "солиқ солинадиган объектлар", "солиқлар", "бошқа мажбурий тўловлар" каби тушунчалар мазмунини аниқлаш учун қилмиш содир этилган пайтда амалда бўлган Солиқ кодекси (бундан буён матнда — СК) нормаларидан келиб чиқиш лозим.

СК 23-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ солиқларга қуйидагилар киради:

1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;

2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

3) қўшилган қиймат солиғи;

4) акциз солиғи;

5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

7) мол-мулк солиғи;

8) ер солиғи;

9) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

10) транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

СКда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилиши мумкин (ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ).

Бошқа мажбурий тўловларга (СК 23-моддаси учинчи қисми) қуйидагилар киради:

1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар (ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар);

2) республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар (республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар, республика йўл жамғармасига йиғимлар);

3) давлат божи;

4) божхона тўловлари;

5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Қонунга кўра (СК 23-моддаси олтинчи қисми), давлат умуммиллий дастурларини амалга ошириш даврида тегишли жамғармалар ташкил этилиши мумкин бўлиб, уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар белгиланади.

4. Қонунда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни (бундан буён матнда — солиқлар) тўлашдан анча миқдорни ташкил қилмаган (энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача бўлган) миқдорда қасддан бўйин товлаш ёки биринчи марта анча (энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган) миқдорда содир этилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланган МЖтК 174-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлар.

Агар шахс солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун МЖтК 174-моддасининг иккинчи қисми бўйича маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида шундай қилмишни яна анча миқдорда содир этса, ЖК 184-моддасининг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

Шуни назарда тутиш лозимки, агар солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганлик натижасида кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилган бўлса, жиноий жавобгарлик маъмурий преюдицияга риоя қилинмаган ҳолда (яъни шахснинг муқаддам солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши талаб этилмайди), тегишлича, Жиноят кодекси 184-моддаси иккинчи қисмининг "б" банди ёки учинчи қисми бўйича келиб чиқади.

5. Шахснинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилиш учун суриштирув, тергов органлари ва судлар, барча ҳолларда, солиқлар тўланмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар миқдорини синчиклаб аниқлашлари, бунда ЖК 184-моддаси мазмунига кўра, шахс томонидан яширилган ёки камайтириб кўрсатилган солиқ солинадиган объекти катталиги (қиймати) эмас, балки фақат тўланиши лозим бўлган солиқлар суммаси (солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун қўлланилган молиявий санкция (жарима ва пеня) суммаларини қўшмаган ҳолда) тушунилиши лозимлигини назарда тутишлари керак.

6. МЖтК 174-моддаси ва ЖК 184-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқишининг зарур шарти — солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлашга нисбатан қасднинг мавжудлиги бўлиб, у ҳаракатда ҳам, ҳаракатсизликда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш белгилари, жумладан, қуйидагилар:

товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум суммасини ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаслик;

товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни алмаштириш, сохталаштириш ёки йўқ қилиш ёхуд уларни текшириш учун тақдим этишни рад этиш;

қалбаки бошланғич бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланиш;

бухгалтерия ҳужжатларида реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги;

бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар билан тегишли равишда расмийлаштирилмаган (кирим қилинмаган) товарларни сақлаш;

назорат-касса машиналарининг фискаль хотираси хизмати дастурига ноқонуний равишда ўзгартириш киритиш;

фойдаланилмаган моддий харажатларни фойдаланилган деб, ишлаб чиқариш ҳисоботига қўшиш;

товарлар сотиш (хизмат кўрсатиш)дан олинган тушумни ҳисобот давридан кейинги даврга ўтказиш (сотиш ҳажмини ва даромад(фойда)ни қасддан камайтириш);

моддий, ёқилғи-энергетика ресурслари харажатларини ва амортизация (эскириш) нормасини сунъий равишда ошириш ёки норматив (лимит)ларни нотўғри қўллаш ва ҳ.к.

МЖтК 174-моддаси ва ЖК 184-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича юқорида қайд этилган ёхуд бошқа бирор-бир белгиси аниқланишидан ташқари, шахснинг қилмишида солиқларни тўлашдан бўйин товлашга нисбатан тўғри қасд (ЖК 21-моддаси) мавжудлиги исботланган бўлишиқ шарт.

7. Солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича шуни эътиборга олиш керакки, агар солиқ тўловчи субъектларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ЖК 184-моддаси диспозицияси билан қамраб олинса, уларни ЖК бошқарув тартибига қарши жиноятлар (205-209, 227, 228-моддалари) учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Судларга тушунтирилсинки, товарларни божхона чегарасидан ўтказиш билан боғлиқ равишда давлат божи тариқасидаги солиқларни тўлашдан бўйин товлашда ифодаланган ҳаракатлар ЖК 182-моддаси билан қамраб олинади ва ЖК 184-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

8. Қонунга кўра (СК 109-моддаси), шахс қуйидаги ҳолатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас:

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактининг йўқлиги (масалан, агар бир турдаги солиқлар учун тўланган пул суммаси бошқа турдаги мажбурий тўловлар учун тўланмаган суммалар ўрнини тўлиқ қопласа ва СК 56-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолларда);

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилишида шахснинг айби йўқлиги (масалан, қилмишнинг табиий офат ёки бошқа фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида, шахс томонидан ўз ҳаракатларини ўзи идора этолмайдиган ёки бошқара олмайдиган касаллик ҳолатида содир этилган бўлса ва СК 110-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолларда).

Қонунга кўра (СК 56-моддаси), агар бир турдаги солиқлар учун тўланган пул суммаси бошқа турдаги мажбурий тўловлар учун қасддан тўланмаган суммалар ўрнини тўлиқ қопласа, шахс жавобгарликка тортилмайди. Агар бир турдаги солиқлар учун ортиқча тўланган сумманинг миқдори бошқа турдаги тўловлар учун қасддан тўланмаган сумманинг миқдорини қисман қопласа, шахснинг айбдорлик масаласи тўланган ва тўланмаган суммалар орасидаги фарқ миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади.

Солиқ тўловчи ўз хатоларини солиқ текшируви (СК 85-моддаси) бошлангунга қадар ўзи мустақил равишда тузатган тақдирда ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилади (СК 109-моддаси учинчи қисми).

9. Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш тариқасидаги жиноят тегишли солиқ даври учун солиқ қонунчилигида белгиланган муддатларда солиқ тўланмаслиги ҳолати келиб чиққан пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади (агар бунда солиқларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш имконияти (СК 56-моддаси) ёки солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун шахснинг жавобгарлигини истисно этувчи ҳолатлар (СК 109, 110-моддалари) мавжуд бўлмаса.

Солиқ кодекси 162-моддасига кўра солиқ даври календарь йилига мос келади.

10. МЖтК 174-моддаси ва ЖК 184-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг субъекти 16 ёшга тўлган, солиқ солинадиган даромад (фойда)га эга бўлган ва қонунга мувофиқ давлат солиқ органларига даромадлари ҳақида декларация тақдим этишга мажбур бўлган жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс) ҳисобланади.

МЖтК 174-моддаси ва ЖК 184-моддасида белгиланган жавобгарликка солиқ тўловчи — юридик шахс раҳбари ва бош (катта) бухгалтери ёки бошлиқ ва бош бухгалтер вазифаларини амалда бажараётган ходимлари, шунингдек, бухгалтерия, банк-молия ҳужжатларини тузиш, имзолаш ҳуқуқига эга бўлган ва бухгалтерия ҳужжатларига даромад ёки харажатлар тўғрисида сохта маълумотлар киритган ёхуд солиқ солинадиган бошқа объектларни яширган ўзга хизматчилари тортилишлари мумкин.

11. Солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноят ишлари юзасидан суриштирув, тергов юритиш ҳамда уларни судда кўришда бундай жиноятларни яширишга кўмаклашган барча шахсларни аниқлаш чоралари кўрилиши шарт.

ЖК 184-моддасида назарда тутилган жиноятга раҳбарлик қилган ёки ушбу жиноятни содир этишга солиқ тўловчи ташкилот бошлиғи, бош (катта) бухгалтери, бошқа хизматчиларини ундаган ёхуд ўзининг маслаҳатлари, кўрсатмалари билан жиноятни содир этишга кўмаклашган шахслар ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида ЖК 28-моддаси ва 184-моддасининг тегишли қисми бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Назорат-касса машиналари фискаль хотираси хизмати дастурига ноқонуний ўзгартириш киритиш йўли билан даромад (фойда)ни яширишда солиқ тўловчига кўмаклашган шахслар ҳам солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлашда иштирокчи сифатида жавобгарликка тортиладилар.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг солиқларни тўлашдан бўйин товлашга қасддан кўмаклашишга қаратилган ҳаракатлари жиноятда иштирокчилик сифатида ЖК 28-моддаси ҳамда 184-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилинади. Агар, айни пайтда улар ғараз ёки бошқа шахсий манфаатларни ҳам кўзлаган ёки шу мақсадларда жиноятни яширишга кўмаклашган бўлсалар, уларнинг ҳаракатлари ЖК бошқарув тартибига қарши жиноятлар, шу жумладан пора олганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари (ЖК 205, 209, 210-моддалари) билан ҳам қўшимча равишда квалификация қилиниши лозим.

12. ЖК 184-моддасида назарда тутилган қилмишни икки ва ундан ортиқ маротаба ягона қасд билан қамраб олмаган ҳолда содир этган шахснинг ҳаракати солиқ тўлашдан такроран бўйин товлаш сифатида квалификация қилиниши лозим. Бунда шахс жиноятни бажарувчи ёки унинг иштирокчиси эканлигининг, муқаддам содир этилган қилмиш тугалланган жиноят ёки жиноятга суиқасд бўлганлигининг аҳамияти йўқ.

Шахснинг ҳаракатларида солиқларни тўлашдан такроран бўйин товлаш белгиси мавжудлиги масаласини ҳал этишда Жиноят кодексининг 32-моддасида кўрсатилган талаблардан келиб чиқиш лозим.

13. Қилмишни солиқларни тўлашдан бўйин товлаш сифатида МЖтК 174-моддаси ва ЖК 184-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилиш учун асос бўлган солиқ миқдорини пул суммасида белгилашда, ҳуқуқбузарлик тугалланган вақтда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиш лозим. Бунда СК 3-моддаси, МЖтК 9-моддаси ва ЖК 13-моддаси талабларига риоя этилиши шарт.

14. Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш шахс томонидан солиққа оид қонунчиликнинг муайян нормаси талабларини бажармаслик билан боғлиқ. Шу туфайли, ЖК 184-моддасида назарда тутилган жиноятларга оид ишлар бўйича суриштирув, тергов органлари ва судларнинг эътибори шахсни айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорда, айблов хулосаси ва айблов ҳукмида айбланувчи ёки судланувчи томонидан солиққа оид қонунчиликнинг жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган айнан қайси нормаси талаблари бузилганлиги кўрсатилиши шартлигига қаратилсин.

Ушбу талабларга риоя этмаслик дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаганлиги ва уни суд мажлисида тўлдириш имконияти йўқлиги сифатида баҳоланиши лозим ҳамда жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтаришга сабаб бўлади (ЖПК 419-моддаси).

Бироқ суд, тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, ишни қўшимча терговга юбормасдан туриб, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш оқибатида етказилган зарар суммасини, башарти бу ҳолат жиноятнинг квалификациясига таъсир этмаса, кўпайтиришга ҳақлидир.

15. Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш билан боғлиқ ишларни кўришда, судлар шуни назарда тутишлари керакки, судланувчининг ҳаракатларида жиноят таркиби бор-йўқлиги билан боғлиқ ҳолатлар бошқа далиллар билан бир қаторда эксперт хулосаси, солиқ текшируви далолатномаси, давлат солиқ хизмати органининг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарорлари асосида ҳам аниқланиши мумкин. Судлар, зарурат туғилганда, суд мажлисига солиқ солиш соҳаси бўйича мутахассисларни жалб қилишлари лозим.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, шахснинг айбдорлигига оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имконияти тугаган бўлса, солиқ тўловчининг фойдасига ҳал қилинади (ЖПК 23-моддаси).

16. Судлар солиқларни тўлашдан бўйин товлашга оид ҳар бир жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан жиноят-процессуал қонунининг далиллар мақбуллигини тартибга солувчи нормаларига риоя этилганлигини синчковлик билан аниқлашлари шарт. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, далилларни тўплаш учун белгиланган тартибни бузган ҳолда олинган ҳужжатлар ёки бошқа маълумотлар шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

17. Судлар мазкур тоифадаги ишлар бўйича ҳукм чиқаришда фуқаролик даъвосини ҳал этишлари зарур.

Суд фуқаролик даъвосини қаноатлантириш тўғрисида хулосага келганда, ўз ҳукмида маҳкумдан ундирилиши лозим бўлган пул суммаси миқдорини (пеня ва штраф суммасини қўшган ҳолда), тўланмаган солиқлар турига қараб, тегишли давлат бюджети (республика, маҳаллий), бюджетдан ташқари мақсадли жамғарма, шунингдек, солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органи номини кўрсатиши керак.

18. Тушунтирилсинки, солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноят ишлари Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш МЖтК 271-моддасининг 5 ва 7-бандларига мувофиқ тугатилган тақдирда, мазкур тўловлар тўланмаганлиги оқибатида етказилган зарарни ундириш масаласи фуқаролик судлов ишларини юритиш тартибида ҳал қилинади.

19. Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноят ишларини кўришда, судлар солиққа оид жиноятлар содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлашлари ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан хусусий ажримлар чиқаришлари зарур.

20. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар солиқларни тўлашдан бўйин товлашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётини вақти-вақти билан умумлаштиришлари ва йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этишлари лозим.

21. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 6 июндаги "Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисида"ги 6-сонли қарори бекор қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси** **Б.МУСТАФАЕВ**

**Пленум котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси** **А.УСМАНОВ**

*Qonun ijodkorligi*

# Фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш

## бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Шуни қайд этиш жоизки, ушбу қонун лойиҳаси билан фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисми фермер хўжалиги раҳбари томонидан фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси олиш пайтида очиқ танловда кўрсатиб ўтилган мол-мулк, техника ва пул маблағлари фермер хўжалигининг устав фондига киритилишини назарда тутувчи норма билан тўлдирилмоқда.



Бу янги норма қонунга фермер хўжалиги иқтисодини мустаҳкамлаш учун устав фондини шакллантириш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида киритилмоқда. Бу, ўз навбатида, фермер хўжаликларининг молиявий активларини янада ошириш, қўшимча асосий воситалар, айланма маблағлар, захира базасини яратиш, гаров капиталини кўпайтириш орқали ўз моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қолаверса, кредит ресурсларидан фойдаланишда қўлланилмаётган резервларни ишга солиш, маблағларни капиталлаштириш учун йўналтириш ҳамда иқтисодий барқарорликни таъминлашга кўмаклашади.

Агар эътибор берган бўлсангиз, таклиф этилаётган нормада устав капиталининг минимал ёки максимал миқдори белгиланмаган. Бунинг сабаби шундаки, фермер хўжалиги раҳбари томонидан фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси олиш пайтида очиқ танловга турли миқдордаги мол-мулк, техника ва пул маблағлари кўрсатилиши мумкин. Албатта, бундай вазиятда кимнинг мол-мулки, техникаси ва маблағи кўпроқ бўлса, у очиқ танловда ғолиб чиқади. Бундан кўринадики, устав капиталининг кам ёки кўп миқдорини қонун лойиҳасида белгилашнинг иложи йўқ. Чунки фермер хўжалиги ташкил этиш ниятида бўлган фуқаролар очиқ танловга ўзларининг имкониятларидан келиб чиқиб, мол-мулк, техника ва маблағларини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этади.

Амалдаги **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги қонуннинг 18-моддаси талабига кўра, фермер ўз хўжалигининг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш масаласини ўзи мустақил равишда ҳал этади. Бунинг учун фермер хўжалиги раҳбари устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисида қарор чиқариши лозим бўлади. Демак, ушбу қонун лойиҳаси қабул қилингандан сўнг ҳам устав фондига киритилган молу-мулк, техника ва пул маблағларини кўпайтириш ёки камайтиришни фермер хўжалиги раҳбарининг ўзи мустақил равишда ҳал қилади.

Айтиш керакки, қонун лойиҳасида фермер хўжалиги томонидан очиқ танловда кўрсатиб ўтилган мол-мулк, техника ва маблағларни бир йил давомида фермер хўжалигининг устав капиталига киритиш тўғрисидаги норма ҳам ўз ифодасини топган. Ҳаётда баъзан фермер хўжалиги ташкил этмоқчи бўлган фуқаролар мол-мулк ва техника ўзиники бўлмаса-да, вақтинча ижарага олиб ёки бошқача кўринишда очиқ танловда иштирок этиб, ғолиб бўлиши мумкин. Фермер хўжалигини юритиш даврига келганда эса, мол-мулки ва техникалари етарли бўлмаганлиги туфайли ўз вақтида шудгор қилиш, ерни экишга тайёрлаш, экин экиш ва экинларга агротехник ишлов беришда қийналиб қолади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ушбу қонуннинг 32-моддаси очиқ танловда кўрсатилган мол-мулк, техника ва пул маблағлари бир йил мобайнида фермер хўжалигининг устав капиталига киритилмаса, бу фермер хўжалигини тугатиш учун асос бўлади, деган норма билан тўлдирилмоқда.

Маълумки, фермер хўжалигининг иқтисодий асоси бақувват бўлиб, унинг устав капитали қанча кўп миқдорда шакллантирилган бўлса, бу фермер хўжалиги кўп тармоқларда фаолият олиб боришига имконият яратилади. Масалан, фермер хўжалиги замонавий техника сотиб олиши, чет эл корхоналари билан шартномалар имзолаши, қўшма корхона ташкил этиши ва бошқа иқтисодий йўналишларда фаолият олиб бориши мумкин.

Маълумки, юртимиздаги тадбиркорлар ҳам иқтисодий жиҳатдан бақувват фермер хўжаликлари билан шартномавий муносабатларга киришишни ва улар билан иқтисодий ҳамкорликни кенг йўлга қўйишни истайди. Бунинг учун, аввало, фермер хўжалиги раҳбари устав капиталини кўпайтириши ва хўжалигини иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликка айлантириши лозим. Юқорида номи қайд этилган қонун лойиҳаси айнан шундай мақсадга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини янада ошириш учун қўшимча қулай шароитлар яратиш имконини беради.

**Фахриддин КОМИЛОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

*Xushxabar*

# Ҳасанбой Дўсматов – Жаҳон универсиадаси чемпиони

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Андижон давлат университети талабаси саралаш учрашувларида озарбайжонлик Араз Имамакиев, тожикистонлик Файзмамад Малахбеков, мўғулистонлик Ган-Эрдене Ганкуягни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Олтин медаль учун ўтган ҳал қилувчи беллашувда Жанубий Корея вакили Инкю Кимни ката ҳисобда енгган ҳамюртимиз Жаҳон универсиадаси чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Ҳасанбой Дўсматов ғалабаси шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграҳди.

Бокс мусобақасининг финалида қатнашган спортчиларимиздан Фазлиддин Ғойибназаров, Хуршидбек Норматов, Азизбек Абдуғофуров, Рустам Тўлаганов кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Элшод Расулов, Жасурбек Латипов ва Мирзоҳиджон Абдуллаев бронза медални қўлга киритди.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бир олтин, тўрт кумуш ва учта бронза медаль билан қирққа яқин мамлакатлар орасида умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди.

Жаҳон универсиадасида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган оғир атлетикачиларимиз ҳам дастлабки бир жуфт медални қўлга киритди. Эркаклар ўртасида 77 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда қатнашган Улуғбек Алимов штангани даст кўтаришда 154, силтаб кўтаришда 197, икки кураш натижасида 351 килограмм натижа қайд этиб, кумуш медалга сазовор бўлди.

Хотин-қизлар мусобақасида 69 килограмм вазн тоифасида қатнашган Манзурахон Мамасолиева штангани даст кўтаришда 97, силтаб кўтаришда 125, икки кураш бўйича 222 килограмм натижа билан учинчи ўринни эгаллаб, терма жамоамиз ҳисобига бронза медаль қўшди.

Жаҳон универсиадасининг олтинчи кунида эркин кураш бўйича Осиё чемпионлари — Умиджон Исманов ва Ихтиёр Наврўзов медаллар учун курашга киришади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
*ЎзА мухбири*

**Мамлакатимизда барча мулк шакллари сингари хусусий мулк ҳам дахлсиз ҳисобланади, мулкдорнинг ўз мулкига эгалик қилиш, ундан эркин фойдаланиш, уни тасарруф этиш ҳамда ўзгаларнинг ноқонуний эгалигидан ҳимоялаш ҳуқуқи қонунда кафолатлаб қўйилган. Бироқ ҳаётда қонуний мулкий ёки шартнома билан белгиланган асослар мавжуд бўлмаса-да, ўзгаларнинг мулкини олиш ёки тежаш орқали бойлик орттиришдек салбий ҳолатлар, оз бўлса-да, учраб туради.**

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Асоссиз бойлик орттириш

## оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар

Фуқаролик кодексининг 1023-1030-моддаларида асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар белгилаб қўйилган. Чунончи, ушбу кодекснинг 1023-моддасида: "Қонун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган асосларсиз бошқа шахс (жабрланувчи)нинг ҳисобидан мол-мулкни эгаллаб олган ёки тежаб қолган шахс (қўлга киритувчи) асоссиз эгаллаб олинган ёки тежаб қолинган мол-мулкни (асоссиз эгаллаб олган бойликни) жабрланувчига қайтариб бериши шарт", дея қайд этилган.

Мазкур моддага мувофиқ асоссиз орттирилган бойликни қайтариш мажбуриятининг вужудга келиши учун, аввало, бир шахс иккинчи шахс ҳисобидан асоссиз бойлик орттириши, шунингдек, бундай бойлик орттиришга қонуний асос бўлмаслиги шарт. Қолаверса, мулк, асосан, янглишиш, хатолик туфайли олинган ёки тежалган бўлиши лозим.

Асоссиз бойлик орттириш мулкий ҳуқуқларни қўлга киритиш кўринишида ҳам намоён бўлиши мумкин. Мол-мулкни асоссиз олган ёки тежаб қолган шахс бойликнинг асоссиз орттирилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб ана шу мол-мулк орқали қўлга киритган ёки қўлга киритиши лозим бўлган барча даромадларни жабрланувчига қайтариши ёки тўлаши шарт.

Аксарият ҳолларда асоссиз орттирилган мулкни ишлатиш ёки ундан фойдаланиш жараёнида маълум бир харажат сарфланади. Масалан, ашёларни сақлаш ва таъмирлаш, ҳайвонларни сақлаб туриш ва асраш зарурати юзага келганда қонунга мувофиқ сақлаб турувчи сарф этган харажатларни жабрланувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Қўлга киритувчи қайтариши лозим бўлган мол-мулкни била туриб, бермай турган ҳолларда харажатларни ундириш ҳуқуқи йўқолади.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

**Маълумки, Конституциямизнинг 53-моддасига мувофиқ, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.**

**Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.**

*Maslahat*

# Мулк ҳуқуқи

## уни амалга оширишнинг қонуний асослари

Бундан ташқари амалдаги Фуқаролик кодексининг 164-моддасида мулк ҳуқуқи тушунчасига батафсил таъриф берилган. Унга кўра, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Ушбу кодекснинг 172-моддасида эса, мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартлари мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур.

Мулкдор ўз мулкига эгалик қила туриб, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситмаслиги даркор.

Мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганида фуқароларнинг соғлиғига ва атроф — муҳитга зарар етказмаслиги лозим.

Айтиш жоизки, 2012 йилнинг 24 сентябрдаги "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, ушбу қонуннинг 4-моддасида мулк ҳуқуқи ва уни амалга ошириш шартлари белгилаб қўйилган. Қонуннинг 7-моддасига кўра, мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилади, унга мувофиқ, қонун ҳужжатларидаги хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилади.

Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда қабул қилинаётган мулк ҳуқуқига оид барча қонун ва қонун ости ҳужжатлари энг аввало, хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлашга, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Д.ИСМАТУЛЛАЕВА,**
*фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг раиси*

*Burch va mas`uliyat*

# Зиммадаги мажбурият

## уни ўз вақтида бажармаслик жавобгарликка сабаб бўлади

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бу қоида солиқ тўловчи ўз хатоларини солиқ текшируви бошлангунига қадар мустақил равишда ўзи бартараф этган тақдирда ҳам тўлиқ амал қилади.




Агар шахс солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддаси иккинчи қисми билан маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил мобайнида такроран шундай қилмишни анча миқдорда содир этса, Жиноят кодексининг 184-моддаси биринчи қисми билан жиноий жавобгарликка тортилади. Борди-ю, солиққа оид ҳуқуқбузарлик натижасида келиб чиққан зарар кўп ёки жуда кўп миқдорни ташкил этса, солиқ тўловчи маъмурий жавобгарликка эмас, балки Жиноят кодексининг 184-моддаси иккинчи қисми "б" банди ёки учинчи қисми билан жиноий жавобгарликка тортилади. Яъни бунда маъмурий преюдиция талаб этилмайди. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судида кўрилган жиноят иши фикримизга далил бўла олади.

Аниқланишича, Умид Бекзодов (исм-шарифлар шартли) "Elit group" ваколатхонасининг раҳбари лавозимида фаолият юритган. У хориждан "Тойота Лендкруизер" русумли автомашинани олиб келиб, "Вақтинча олиб кириш" божхона режимига божхона тўловларини 5 фоиздан 20 ой мобайнида даврий тўлаш шарти билан ўзи раҳбарлик қилаётган ваколатхона номига расмийлаштирган. Шундан сўнг У.Бекзодов 10 ой мобайнида жами 54 миллион 420 минг сўм миқдоридаги бож тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаган. Буни қарангки, у солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш билангина чекланиб қолмай, ушбу автомашинани бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома орқали Ш.Обидовга бериб юборган. Ваҳоланки, У.Бекзодов бундай ваколатга эга эмас эди.

Дастлабки терговдаврида У.Бекзодов ўз айбининг қандай оқибатларга олиб келишини англаб етди чоғи, моддий зарарни тўлиқ қоплади. Суд томонидан айбдорга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 250 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди ва у икки йил муддатга раҳбарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Ушбу мисолдан шуни англаш мумкинки, ҳуқуқбузар У.Бекзодов жуда кўп миқдордаги бож тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлагани боис жиноий жавобгарликка тортилган.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноят ишларини кўриш чоғида бундай жиноятларни яширишга кўмаклашган барча шахслар аниқланади ва уларнинг ҳар бирига қонуний жазо тайинланади. Яна мисоллар ёрдамида фикр юритайлик. Жавлон Давронов "Парвона плюс" масъулияти чекланган жамият раҳбари лавозимида фаолият юритган ва у сотувчи Ш.Хўжаев билан жиноий тил бириктириб, савдодан тушган пул маблағларини назорат-касса машинасида қайд этмай келган. Бундан ташқари Ж.Давронов алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаганига қарамай, бундай маҳсулот савдоси билан қонунга хилоф тарзда шуғулланиб келган.

Шунингдек, у икки ҳафта мобайнида иккиламчи ҳисобот юритиб, савдодан тушган 54 миллион 264 минг сўм пул маблағини банк муассасасига кирим қилишни гўёки "унутиб" қўйган. Шу давр мобайнида Ж.Давронов солиққа тортиладиган солиқ базасини яшириб, ягона солиқ тўловини тўлашдан қасддан бўйин товлаган. Дастлабки тергов чоғида бундай ҳуқуқбузарликни содир этишда унга сотувчи Ш.Хўжаев яқиндан ёрдам бергани аниқланди. Шу боисдан ҳам ҳар икки ҳуқуқбузарга нисбатан қонун доирасида жазо тайинланди.

Шуни унутмаслик лозимки, қонунда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳар бир фуқаронинг қонуний бурчи ҳисобланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар юртимизни янада ободонлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сингари эзгу ва хайрли ишларга йўналтирилади. Демак, ҳар бир солиқ тўловчи солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш орқали халқимизнинг турмуш фаровонлиги ва ободлигини юксалтиришга муносиб улуш қўшган бўлади.

**Умиджон ДАВРОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг раиси*

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
*"Куч-адолатда" мухбири*

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...

***— Айтинг-чи, қандай ҳолларда фақат бир кишининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш мумкин?***

***Ж.ПАРПИЕВ,***
*Зомин тумани*

— Қуйидаги ҳолларда эр-хотиндан бирининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратилиши мумкин:

агар эр-хотиндан бири:

- суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;
- суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;
- содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра, улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади.

Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибида ажратилади.

**Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.**

*Mustaqilligimizning 22 yilligi oldidan*

# Юксак билим ва салоҳиятга эга ёшлар

## юртимиз довруғини дунёга таратмоқда




**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Янада ғурурли ва сурурли томони шундаки, ҳали мактаб ёшига етмаган фарзандларимиз юксак даражадаги нодир қобилиятлари билан дунё аҳлини лол қолдирмоқда. Уч карра Осиё чемпиони Исломбек Синдоров атиги 6 ёшда. У Эроннинг Сари шаҳрида шоҳмот бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида ўз ёш тоифасида рапид, анъанавий ва блиц йўналишларида дона суриб, дунё жамоатчилиги кўз ўнгида чемпион бўлди. Унинг акаси 8 ёшли Жавоҳир Синдоров эса, Осиёнинг 16 давлатидан иштирок этган шоҳмотчилар орасида кумуш медалга сазовор бўлди. Ёш авлоднинг илм-фан, спорт ва бошқа соҳаларда қўлга киритаётган бундай юксак муваффақиятлари ҳақида яна узоқ гапириш мумкин.

Айтиш керакки, мамлакатимизда мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий камолотига алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимиз мустақиллигимизнинг илк йилларида, яъни 1992 йил 8 декабрь куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида шундай фикрларни билдирган эди: "Бозор муносабатига ўтиш даврида ижтимоий соҳа: соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, шунингдек, илм-фан айниқса, мушкул аҳволда қолмоқда. Биз учун тарихий, маданий, умуман, маънавий қадриятлар, халқимизнинг руҳини баланд сақлаш, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий вазифа бўлиб қолиши керак ва бу соҳалар ҳисобидан маблағларни тежай олмаймиз". Ўшандан буён ана шундай қатъий қарор билан иш тутилди. Бундай юксак эътибор, кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасига бугун ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Энди теварак-атрофимизга бир қур назар ташласак, бугун дунё бўйича 110 миллион нафарга яқин бола мактабга жалб этилмаган, улар оддийгина савод чиқариш ҳуқуқидан ҳам маҳрум. Дунёнинг айрим мамлакатларида ҳар йили қаровсизликдан юз минглаб болалар нобуд бўлмоқда. Бундай ҳолатлар ҳар биримизни ҳаётга очиқ кўз билан қараш, Ватанимиз мустақиллигининг қадрига етиш, фарзандларимиз камолоти, бахт-саодати йўлида яратилаётган имконият ва шарт-шароитлардан янада оқилона фойдаланишга ундайди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, "Таълим тўғрисида"ги қонун ёшларга билим беришни жаҳон андазалари даражасига кўтариш, реал иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун юксак салоҳиятли, мустақил фикр юритадиган, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, таълим сифати ва мазмунини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда қарийб 10 мингта умумтаълим мактаби фаолият юритмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш доирасида 2004 — 2009 йилларда Республикамиз бўйича 8500 дан зиёд мактаб қурилди ва капитал таъмирланди. Шунингдек, 1997 йилдан буён, 12 йиллик таълимга ўтилгач, мамлакатимизда 1,6 минг коллеж-лицей барпо этилди. Кейинги 22 йил ичида дунёнинг унча-мунча давлатларида бирор мактаб ёки болалар боғчаси учун бир дона ғишт қўйилмаган бир пайтда юртимизда кўплаб лицей, коллеж, мактаблар бунёд этилгани ёш авлодга нисбатан юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин тасдиғидир. Бинобарин, 9+3 ноёб 12 йиллик умумий бепул таълим тизимининг жорий этилиши фарзандларимиз учун айни муддао бўлди. Бунда умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ёшлар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олади, улар меҳнат бозорида талаб юқори бўлган турли хил мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни эгаллайди.

Энг асосийси, мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳага ажратилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сафланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди.

Шунингдек, бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги Ўзбекистонда жорий этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг афзалликларини тўлиқ эътироф этиб, бу соҳадаги тажрибаларимизни ўрганмоқда. Тошкентда 2012 йил 17 февраль куни Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган **"Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти"** мавзуидаги халқаро конференцияда бу ҳақиқат яна бир карра ўз исботини топди. Мазкур халқаро анжуманда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, юксак билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу борада тўпланган тажрибадан дунё андоза олди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 59 та олий таълим муассасаси ва хорижий етакчи олий ўқув юртларининг 6 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Шунинг баробарида олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011 — 2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни изчиллик билан такомиллаштириш борасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178[1]-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқатилиши ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги каби қатор қонунлар айнан ёшларнинг маънавий ва жисмоний камолотига хизмат қилади.

Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган бу каби эзгу ва хайрли ишлар, қабул қилинаётган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг замирида ягона улуғ мақсад, тоза ният ва ғоя мужассам. Бу ғоя, Президентимиз таъбири билан айтганда, соғлом зурриёд, яъни жисмоний ва маънавий етук авлод шаклланиши ва ўз имкониятларини рўёбга чиқариши учун зарур тизимни яратиш, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, замонавий билим ва касбга эга бўлишини, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

**Комила КАРОМОВА,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

---

**Табиатдаги жонзотларнинг инсонга ишончли ҳамроҳ ва дўстлиги хусусида тарихда кўплаб мисоллар учрайди. Жумладан, дельфинларнинг инсонга дўстона муносабати азалдан маълум. Ҳатто бу ҳақдаги илк маълумотларни қадимги юнон тарихчиси Герадот ҳам айтиб ўтган.**

*G'aroyib olam*

# Биз билган ва билмаган дунё

## ҲАЙРАТ УЙҒОТУВЧИ ЖОНЗОТ

Маълумки, табиатда маймунларда кўз хотираси эшитиш хотирасидан кўра, анча яхши ривожланган. Дельфинларда эса, бунинг акси бўлиб, улар турли товушларни яхши эслаб қолади. Бунинг натижасида дельфинлар бир-бирини ҳуштак орқали танийди. Турли овозлар орқали дельфинлар бир-бири билан гаплашади. Айнан товушлар орқали дельфинлар балиқ ови пайтида бир-бирининг ҳаракатини тартибга солиб туради.

Табиатда бирон-бир овозни айнан ўзига ўхшатиб такрорлаш борасида дельфинларга тенг келадиган жонзот топилмаса керак. Масалан, эшикнинг ғийқиллаши, қўнғироқ чалиниши, қушларнинг сайраши — буларнинг барини дельфинлар қойилмақом қилиб ўхшатиб бера олади. Дельфинлар ҳатто инсон овози ёки кулгисини ҳам ўхшатиб такрорлаши мумкин. Шунингдек, бу денгиз жонивори кўк рангдан ташқари барча рангларни аниқ фарқлай олади. Геометрик шаклларни эслаб қолиш эса, дельфинлар учун муаммо эмас. Айниқса, дельфинлар ўзларига хуш келган нарсаларни, яъни унга балиқ ёки коптокни кўрсатиб, кейин яшириб қўйилса, уни қаердан излашини жуда яхши билади. Дельфинлар жуда ҳам ҳиссиётга берилувчан бўлиб, бу уларни ўргатиш жараёнига ҳам таъсирини кўрсатади. Масалан, илмий экспериментлар жараёнида жаҳли чиққан ёки нимадандир безовталанган дельфин кўпроқ хатога йўл қўйиши кузатилган. Агар одам уни урса ёки жазоласа, дельфин унинг топшириқларини бажаришдан бош тортади ва у билан жуфтликда ишламайди. Шунинг учун ҳам дельфинларни ўргатиш жараёнида уларга фақат самимий муносабатда бўлиш талаб этилади.

Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: хўш, дельфинлар қандай ухлайди?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, дельфинлар кўпроқ вақтини бедор ўтказади, ҳеч қачон узоқ вақт ухламайди. Чунки улар сувда яшовчи жонивор бўлишига қарамай маълум вақт сув устига чиқиб нафас ҳам олади. Агар улар қаттиқ уйқуга берилса, ҳаво етишмаслигидан нобуд бўлиши турган гап. Олимларнинг кузатишлари шуни кўрсатадики, дельфинлар уйқу пайтида ҳеч қачон тўлиқ ҳаракатсизлик ҳолатига тушмаган ва вақти-вақти билан сув устига кўтарилиб нафас олишади. Шу боис дельфинлар ухлайдими ва бу жараён қандай кечади, деган саволга жавоб олиш мақсадида бир гуруҳ олимлар томонидан махсус тадқиқот ўтказилди. Маълум бўлишича, дельфинлар уйқуга кетган пайтда ҳеч қачон уларнинг мияси тўлиқ "ўчмайди", яъни уйқунинг бир қисмида жониворнинг чап мияси, бошқа бир қисмида эса, ўнг мияси бедор бўлади. Қизиғи шундаки, дельфин ҳатто уйқу пайтида ҳам нафас олиб туриш учун сув юзига чиқишни канда қилмайди.

Дельфинлар нафақат овоз, балки ўз қавмдошларининг ҳатти-ҳаракатларига ҳам тақлид қилиш қобилиятига эга. Масалан, 2008 йил Австралия соҳилида дельфинлар тўдаси пайдо бўлади. Унинг етакчиси думида тик туриш қобилиятига эга эди. Орадан кўп ўтмай эса, тўданинг барча вакиллари ҳам етакчисининнинг бу ҳаракатларини тўлиқ ўзлаштириб олади.

Яна бир қизиқ воқеа АҚШ дельфинарияларининг бирида юз берган. Унда бир неча ой давомида сақланган дельфин, гарчи ҳеч қандай махсус тайёргарликдан ўтмаган бўлса-да, бу ерда сақланаётган бошқа дельфинларнинг ҳатти-ҳаракатларини ўзлаштириб олади. Озодликка қўйиб юборишгач эса, у ўз тўдасининг бошқа вакилларини ҳам дельфинарияда кўрганларига ўргатади.

Дельфинларнинг сувда чўкаётган одамни қутқаргани ҳақида кўп марта эшитганмиз. Ҳақиқатан ҳам, бу денгиз жонивори мушкул аҳволда қолган одамга зудлик билан ёрдамга шошилади. Баъзи дельфинлар эса, чўкаётган одамни қирғоққа олиб чиққани ҳам бор гап.

Яқинда ана шундай воқеалардан бири Австралия соҳилларида юз берди. Денгизда сёрфинг билан шуғулланаётган Тодд Эндирсга кутилмаганда акула ҳужум қилади. Аввалига акула спортчининг белидан тишлаб олади. Шундан сўнг Тодд жон-жаҳди билан унга қаршилик кўрсатгач, акула уни бир зумга қўйиб юборади. Сёрфинг тахтасига маҳкам ёпишиб олган спортчи белидаги жароҳати боис тезда ҳолдан тойиб қолади. Ана шундай оғир ва ҳалокатли вазиятда кутилмаганда мўъжиза юз беради: денгиз қаъридан бир гала дельфинлар пайдо бўлиб, ўлим чангалида қолган спортчининг ҳаётини сақлаб қолишади. Бу халоскор жонзотлар Тодд соҳилга етиб олишига кўмаклашади.

Қора денгизда эса, бундан ҳам ғалати воқеа рўй беради. Маълум бўлишича, маҳаллий балиқчилар соҳил яқинига ташлаган тўрга балиқлар билан бирга икки нафар дельфин ҳам илиниб қолади. Балиқчилар аллақачон нобуд бўлган жониворларни сувга ташлаб юборишади. Шундан сўнг орадан кўп ўтмай бир гала дельфинлар дам олиш маскани яқинида пайдо бўлади. Уларнинг беш нафари дам олувчиларга, қолганлари эса, яқин атрофда сузиб юрган одамларга ҳужум қилади. Лекин бахтли тасодиф туфайли ҳеч кимга зарар етмайди. Одамларнинг айтишича, дельфинлар бу ҳатти-ҳаракати орқали нобуд бўлган қавмдошлари учун ўч олишга уринишган.

Шундай воқеалардан яна бири АҚШдаги денгиз соҳилларида юз беради. Дэвит Растович исмли сёрфинг ишқибози денгизда тўлқинлар узра сузиб бораётган пайтда ёнида тўсатдан дельфин пайдо бўлади-да, унинг атрофида доира солиб суза бошлайди. Дэвид нима бўлаётганини англаб улгурмай, унинг ёнида катта акула ҳам пайдо бўлади. Шу пайт довюрак дельфин инсонга ҳамла қилишга чоғланаётган акулага ташланади: узун тумшуғи билан йиртқичнинг биқинига зарба беради. Кутилмаган зарбдан эсанкираб қолган акула денгиз қаърига шўнғиб кетади. Ҳалоскор дельфин эса, Дэвидни қирғоққа омон-эсон етказиб қўяди.

**Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.**

---

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Асоссиз бойлик орттириш

## оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Асоссиз қўлга киритилган мулк, ўз навбатида, қўлга киритувчига табиий ҳолда даромад келтириши мумкин. Олинган фойда унинг моҳияти ва аҳамиятидан келиб чиқиб, жабрланувчига қайтарилиши талаб этилади.

Шу ўринда фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, даъвогар М.Ҳусанов жавобгар Н.Саидовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар даъвогарга тегишли техника воситасидан ноқонуний фойдаланиб, уни ишлатиб, фойда олаётганини кўрсатган ва уни қайтариб олиш ёки унинг қийматини ҳамда ноқонуний фойдаланганлиги учун муайян даромадидан фоизларни ундириб беришни сўраган.

Аниқланишича, М.Ҳусанов ва Н.Саидов ўртасида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича ўзаро оғзаки келишув мавжуд бўлиб, шартнома тузилганига қадар даъвогар жавобгарга қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун жами йигирма миллион сўмлик техника воситасини берган.

Н.Саидов техника воситасини олгач, шартномага имзо қўйишдан бош тортган. М.Ҳусановнинг мазкур техника воситаларини қайтариб бериш тўғрисидаги талаби жавобгар томонидан рад этилган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди томонидан жавобгар техника воситаларидан 26 кун мобайнида асоссиз фойдаланиб, ҳар бир кун учун 150.000 сўмдан фойда олганлиги аниқланди. Суд ишни атрофлича кўриб чиқиб, Фуқаролик кодексининг 1026 ва 1028-моддаларига асосан даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш, техника воситаларини асл ҳолида эгасига қайтариш ва даъвогар фойдасига 3.900.000 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Зотан, асоссиз орттирилган бойлик ҳеч қачон яхшилик ва барака келтирмайди, аксинча, қонуний жавобгарликни келтириб чиқаради. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

**Ҳусан МУЛЛАЖОНОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг раиси*

---

**Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, фуқароларнинг хорижга чиқишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Айни чоғда тижорат, саёҳат, ўқиш ва иш сингари мақсадларда турли давлатларга бориб келаётган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил этади. Ўз навбатида, мамлакатимизга чет эл товарларининг қатъий қонун-қоида асосида кириб келишининг йўлга қўйилгани иқтисодий хавфсизликни таъминлашда муҳим ўрин тутади.**

*Jinoyat va jazo*



# Божхона назорати

## унга амал қилмаслик бошни эгади

Афсуски, айрим кимсаларнинг бу имкониятларни суиистеъмол қилишга уриниши, аввало, уларнинг ўзига қимматга тушмоқда. Масалан, Алижон Ботиров (исм-шарифлар шартли) ҳам Наргиза Давронованинг ёлғон ваъдаларига ишониб, чет элга отланмаганида қонуний жавобгарликка тортилмаган бўларди.

Гап шундаки, хорижий давлатларга тижорат мақсадида боришнинг ҳадисини олган Наргиза Алижонга чет элдан мебель ҳамда мебель ясаш ускуналарини олиб келишни таклиф қилади. Бу таклиф Алижонга ҳам маъқул тушади.

"Ўзаро келишув"га кўра, Анвар Жўраев ҳам уларга ҳамроҳлик қиладиган бўлди. Шу тариқа улар Пекин шаҳрига йўл олишади.

Улар Чинжоу шаҳрига боришгач, "тижоратчи шерик"ларни Собир исмли таржимон йигит кутиб олади. Улар Собирнинг кўмаги билан Чинжоу савдо марказидан керакли нарсаларни харид қилишади.

— Юкни жўнатишга оид ҳужжатлар билан ишинг бўлмасин, бу ёғини менга қўйиб беравер, — дейди Наргиза Давронова Алижонга. — Сен фақат бунинг эвазига менга 3200 АҚШ доллари берсанг бўлди.

Ҳамтовоқлар маблағ хусусида келишувга эришгач, товарларнинг қонуний расмийлаштирилишига шубҳа қилмаган Алижон "тижоратчи шериклари" билан бирга Ўзбекистонга қайтиб келади.

Таассуфки, "иш", Наргиза ваъда қилганидек, силлиқ кечмади. Юк ортилган контейнер, Н.Давронова айтганидек, Китоб темир йўл бекатида эмас, балки Қарши темир йўл бекатида тушириб қолдирилди.

Божхона пости ходимлари томонидан юкнинг ҳужжатлари текшириб кўрилганда фақатгина Н.Давроновага тегишли "Тош майдаловчи" ускунанинг қонуний ҳужжати борлиги, қолган товарларнинг ҳеч қандай ҳужжати йўқлиги аён бўлди.

Суд жиноий шерикларнинг қилмишларига ҳуқуқий баҳо берар экан, судланувчи А.Ботировни Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми "а" бандди билан айбдор деб топиб, унга нисбатан тегишли жазо тайинлади.

Суд ҳукмига асосан Н.Давронова ҳам Жиноят кодексининг айнан шу модда ва бандлари билан айбланган бўлса-да, унинг вояга етмаган фарзандлари борлиги инобатга олиниб, амнистия актига биноан жазодан озод этилди. Ҳамтовоқлар Ўзбекистон ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб кирган 39 миллион 278 минг 800 сўмлик товар-моддий бойликлари давлат эгалигига ўтказилди.

Айтиш жоизки, хорижий давлатлардан халқ эҳтиёжи учун ёхуд тадбиркорлик соҳасида фойдаланиш учун техника воситалари ва бошқа ашёларни юртимизга олиб киришнинг қонуний асослари мавжудки, ушбу тартиб-қоидага риоя этганлар ҳеч қачон адашмайди. А.Ботиров сингари ўзгаларнинг алдовига учиб, ўрнатилган қонун-қоидаларни четлаб ўтишга уринганлар эса, қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлади. Шундай экан, ҳар бир тадбиркор ўз ишига масъулият билан ёндошиб, қонун доирасида фаолият кўрсатган тақдирда ҳам ўзига, ҳам эл-юртга наф келтиради.

**Ботирали ДИЁРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг раиси*

**Абдунаби БОБОЁРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**КУЧ—АДОЛАТДА**

**МУАССИС:** Ўзбекистон Республикаси Олий суди

**Бош муҳаррир:** Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯХЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

**Навбатчи муҳаррир:** Сардор ҲАМРОЕВ

**Саҳифаловчи:** Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.

E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-716. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6643.

1 2 3 5 Топшириш вақти: $21^{00}$ Топширилди: $21^{30}$